

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

Научно-практический журнал

2/2023

Журнал основан в 1999 г.

Редакционная коллегия:

Главный редактор — профессор Тулаганов А. А.

д.м.н. Абдухакимов А.Н., д.б.н. Аллаева М.Ж., проф. Аминов С.Д., проф. Гулямов Н.Г., проф. Ибадова Г.А., проф. Косимов И.А. (зам.глав.редактора),, д.м.н.. Отабеков Н.С., проф. Туляганов Р.Т. проф. Мавлянов И.Р., проф. Маматкулов И.Х. (зам.глав.редактора),, д.м.н. Максудова Л.М., проф. Мухамедов И.М., проф. Нарзуллаев Н.У., доц. Сабиров Д.Р., д.м.н.. Таджиев Б.М., д.м.н. Таджиев М.М., д.м.н. Сайдов С.А., проф. Иноятов А.Ш.., проф. Каримов А.К.. к.б.н. Кахоров Б.А., проф. Богдасарова М.С., доц. Зияева Ш.Т. (ответственный секретарь).

Редакционный совет:

акад. Арипова Т.У.,
акад. РАН, Кукес В.Г. (Москва)
акад. Даминов Т.А. (Ташкент)
акад. Тулегенова А.У. (Астана),
акад. Раменская Г.В. (Москва),
акад. Иноятова Ф.И. (Ташкент),

проф. Облокулов А.Р. (Бухара),
проф. Сайфутдинов Р.Г. (Казань),
проф. Гарип Ф.Ю. (Москва),
проф. Мадреимов А.М. (Нукус),
проф. Нуралиев Н.А. (Бухара)
проф. Туйчиев Л.Н., (Ташкент)

ТАШКЕНТ-2023

СОДЕРЖАНИЕ

1. АБДУЛЛАЕВ А.А., ГАЙИБОВ У.Г., ГАЙИБОВА С.Н., ОМОНТУРДИЕВ С.З., ИНОМЖОНОВ Д.Р., АРИПОВ Т.Ф. ВЛИЯНИЕ ЭКСТРАКТА <i>RHODIOLA HETERODONTA</i> НА ОКСИДАТИВНЫЙ СТРЕСС ОРГАНОВ ПРИ МОДЕЛИ АЛЛОКСАНОВОГО ДИАБЕТА.....	6
2. АБДУЛЛАЕВА Г.Т., ХАБИБУЛЛАЕВ А.А., ЭРГАШЕВА М.И., СОЛИЕВ Н.Н., МАВЛНОВА С.А. ЎСИМЛИК БИОФАОЛ МОДДАЛАРИНИНГ МИТОХОНДРИЯ МЕМБРАНАСИГА ТАЪСИРИ.....	13
3. АМИРСАИДОВА Д.А., БЕКМУРОДОВА Г.А., МАМАТРАИМОВА Ш.М., ЭЛОВА Н.А., МИРАЛИМОВА Ш.М. АУТОАГРЕГАЦИОННАЯ, КОАГРЕГАЦИОННАЯ И АДГЕЗИВНАЯ СПОСОБНОСТИ ШТАММОВ ЛАКТОБАКТЕРИЙ.....	19
4. АТАШЕВ А.Р., ҚУРЁЗОВ М.Э. ЛОНГОКАИН ПРИ СПИНАЛЬНО- ЭПИДУРАЛЬНОЙ АНЕСТЕЗИИ В ТРАВМАТОЛОГИИ.....	28
- 5. АХМЕДОВ Х.С., РУЗМЕТОВА И.Я., ТУРАЕВ И.А. РЕВМАТОИД АРТРИТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ.....	33
- 6. БОТИРБЕКОВ А.Н., АХМЕДОВ Х.С., АБДУРАХМАНОВА Н. М. ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ.....	41
- 7. BURANOVA S. N.A, АКХМЕДОВ KH.S., XALMETOVA F. I., RAXIMOV S.S., STUDY AND RETROSPECTIVE EVALUATION OF THE ARTICULAR SYNDROME AND DISORDERS OF THE ARTICLE STRUCTURES IN OSTEOARTHRITIS.....	49
8. VAFOKULOVA N.H., RUSTAMOVA SH.A., ANVAROV J.A. O'II BILAN KASALLANGAN ERTA YOSHDAGI BOLALAR DISPANSERIZATSİYASI.....	56
9. ГАНИЕВА Ш.Ш., ХАЙДАРОВА С.А., ЯХЁЕВА Ф.О. СТРАТИФИКАЦИИ РИСКА РЕМОДЕЛИРОВАНИЯ СЕРДЦА ПРИ КАРДИОВАСКУЛЯРНОЙ СИНТРОПИИ.....	63
10. ГАНИЕВА Ш.Ш., ХАЙДАРОВА С.А., ЯХЁЕВА Ф.О. ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ИНДИКАТОРЫ РЕМОДЕЛИРОВАНИЯ ЛЕВОГО ЖЕЛУДОЧКА СЕРДЦА ПРИ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ.....	69
11. ГУМЕРОВА И.О., БАГДАСАРОВА Э.С. ВЛИЯНИЕ АЦЕТИЛ-Л- КАРНИТИНА НА ДИАБЕТИЧЕСКУЮ ПОЛИНЕЙРОПАТИЮ ПРИ САХАРНОМ ДИАБЕТЕ ВТОРОГО ТИПА.....	75
12. ДАМИНОВА М.Н., АБДУКАДИРОВА Ш.А., АБДУЛЛАЕВА О.И., АЛИМОВ М.М., ХАЛИКОВА Ш.А., ДАМИНОВА К.Р., МИРИСМАИЛОВ М.М. РОТОВИРУСНАЯ ИНФЕКЦИЯ У ДЕТЕЙ. ТАКТИКА ТЕРАПИИ.....	80

УДК: 616.34-002.36-003.728-06:616.76-002.77:618.065:579
РЕВМАТОИД АРТРИТИНИГ ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИ

**Ахмедов Холмурод Сайдуллаевич, Рузметова Инобат
Янгибаевна, Тураев Ихтиёр Абдуллаевич**
Тошкент тиббиёт академияси
ps.sevara@gmail.com

Калит сўзлар : оғриқ синдроми, гастропротекторлар, меъда ичак йўли меъда шиллик қавати яраги жароҳатланиши, бўгим.

Долзарблиги Дунё адабиётларида РАдаги иммун бузилишлар тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Чунончи, иммункомпетент хужайралардаги дифференцияланувчи антигенларининг (CD) экспрессиясидаги силжишлар ва цитокинлар РА патогенезидаги иммун яллиғланиш жараёнида муҳим ўрин эгаллагани учун бу кўрсаткичларни ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади [1,6,14]. Ўз навбатида адабиёт манбаларига кўра [2,4,5], яллиғланишга туртки берувчи ҳамда яллиғланишга қарши цитокинларнинг фаоллаши РА патогенезида муҳим роль ўйнаши аниқланган. [2,3,14]. Улар орасида ушбу касалликни ривожланишининг ўсмалар некрози альфа-омили (ЎНО-а), интерлейкин (ИЛ)-1 ва ИЛ-6 каби цитокинларни миқдори ортиқча ишлаб чиқарилиши билан боғлиқлиги исботланган [1,3,14]. Замонавий қарашларга биноан, айнан яллиғланишга туртки берувчи ЎНО-а ва ИЛ-6 цитотоксик хусусиятлари туфайли касалликнинг ўзига хос сурункали синовит билан кечадиган бўғим синдроми шаклланади [3,9,14] ва ушбу цитокинлар кенг спектрдаги яллиғланишни чақиргани учун РАнинг патогенезида муҳим фундаментал роль ўйнайди [3,9,14]. Шуни айтиш жоизки, синовиал қобиқ цитокинларнинг асосий нишони ҳисобланади ва бу вазият касаллик патогенезини тушунишда илмий аҳамият касб этади. Агар янада аниқроқ бўлсак, цитокинларни айнан синовиал қобиқнинг тогайга тегиб турган жойи нишон соҳаси бўлиб, яллиғланиш жараёнининг «қайноқ нуқтаси» [1,2] ҳисобланади. Шу сабабли паннуснинг тогай ва субхондрал суюкка инвазияси кузатилиб, бўғимнинг деструкцияси ва деформацияси юзага келади [1,2].

Маълумки, РА этиологияси ноаниқ бўлганлиги сабабли ҳозирги вақтда мақсадли этиотроп даво ўтказиш имконияти йўқ. Бироқ, ушбу касаллик патогенези тўғрисида етарли тушунча мавжудлиги сабабли унинг ривожланиши ва авжланишини сусайтиришга қаратилган дори воситаларни кўллаш келажакда ютуқларга чорлайди [2,9]. Бу биринчи навбатда иммун тизимининг таркибий ва функционал хусусиятлари, иммун жавоб ва яллиғланишни ривожланиш механизmlари ҳақидаги билимларнинг кенгайгандигига асосланган бўлиб, буларни мувофиқлаштиришда антиревматик препаратлардан кенг фойдаланиш

мухум аҳамиятта эгадир [2,3]. Улар ичидә замонавий базисли, яъни инновациои ген-инженер биологик препаратлар (ГИБП) кўзланган ютуқларга эриниш имкониятини яратади [2,3]. Ўз навбатида, улар моноклонал антитаначалар хисобланиб, уларнинг асосий самародорлиги Т-иммун яллигланишга чорловчи «яллигланиш олди» цитокинлар ҳамда Т-ва В-лимфоцитларни патологик фаоллашувини тўхтатишига қаратилган ва В-лимфоцитларни патологик фаоллашувини тўхтатишига қаратилган [3,9]. Шу сабабли ГИБПнинг кўлланилиши нафақат даволаш натижаларини яхшиланиши, балки РАни асосида ётвучи патогенетик механизmlар ҳақидаги тасаввурларни кенгайишига имкон яратди. Бугунги кунда улар гурухига а- ўсмаси некроз омили (ЎНО-а) ингибиторлари, Т- ва В-лимфоцитлар фаоллиги блокаторлари, ИЛ-6 рецепторлари ингибиторлари ҳамда JAK-киназа ингибиторлари киради [2-3].

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда РА даволашда фақат иммун яллигланишни бартараф қилиш ётмайди, балки узоқ натижага йўналтирилган стратегик ёндошув ҳам муҳим роль ўйнайди ва уни мукаммаллаштириш амалий ревматологиянинг асосий вазифалардан ҳисобланади [2,3]. Ушбу стратегия РАни эрта ташхислаш ва фаол батафсил назорат қила оладиган яллигланишга қарши даволаш билан Европа ревматизмга қарши лигаси (EULAR) томондан шакллантирилган «мақсадга эришгунча даволаш» концепцияси доирасида максимал тез ремиссияга эришишга асосланган [1,3]. Бу хулоса ва фикрлар узоқ йиллардаги тажриба ҳамда асосланган тиббиётга таянган бўлиб, шу концепция негизида узоқ ремиссия туфайли бўғимларда деформация ва анкилоз каби оқибатлар учраш даражаси камаяди ҳамда bemor ҳаёт сифати яхшиланади. Қолаверса, концепцияни амалга ошириш учун касалликни эрта ташхислашга йўналтирилган РАнинг янги таснифий ва ремиссия мезонлари яратилган [11,13]. Шунингдек, касалликни даволаш учун кўлланиладиган яллигланишга қарши препаратлар таснифи мукаммаллаштирилди [4,13]. РА ни даволашдаги ушбу концепциясига асосоланган EULAR тавсиялари дунёning кўпгина мамлакатларида ўз шароитларига мослаштирилган ва қабул қилинган [11,13]. Шу ўринда хозирги даврда EULARнинг 2013 йилдаги тавсияларининг янги кўриниши тайёрланган бўлиб [11,13], унда охирги З йилги тўпланган илмий ва клиник тажрибалар жамланган. Бироқ, бизнинг фикримизча, унда баъзи мунозараий муаммолар мавжуд ва уни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Аввалам бор, бу врач ва bemorning ўзаро муносабатига асосланган энг яхши клиник амалиёт ва унда етакчи ўринни врача-ревматологга қаратилган заруратнинг кўрсатилишидир. Тўғри, врач ва bemor ўзаро мулоқати муҳим тамойил сифатида кўрилиши лозим, аммо бизнинг назаримизда, бунда нафақат врач-ревматолог ўрни, балки bemorлар муаммосини комплекс ҳал этишда талайгина имкониятларга эга бўлган, соглиқни саклашни бирламчи бўгини шароитида ўрни ҳам

мухимлигини күрсатиш даркор. Чунки, у самарали “врач-бемор” мuloқатини шаклланишини таъминлашда муҳум роль ўйнайди.

Хозирги кунда барчага маълумки, (EULAR, 2013 доирасида ҳам) РА ташхиси қўйилгандан сўнг дарров базисли яллиғланишга қарши препаратни (БЯҚП) эрта бошлиш тавсия қилинади [11,13]. Албатта, бунинг учун кўпгина мамлакатлар ревматологлари томонидан тан олган Америка ревматологлари уюшмаси (ACR)/EULAR (2010) [11,13] тавсиялари доирасида РАнинг эрта даври аниқланиши лозим. Қолаверса, атиги битта бўғимда клиник синовит топилгандা базис давони бошлишни кечиктирмаслиги талаб қилинади. Шубҳасиз, БЯҚП эрта қўлланилиши клиник ремиссияланишга эришиш ҳолатларини кўпайтиради ҳамда bemорларни ҳаёт сифатини яхшилайди ва булар илмий далил ҳисобланади. Чунки, рандомизирланган плацебо-назоратли текшириш (РПНТ) ва очик клиник тадқиқотлар натижаларига биноан, клиник ремиссияга эришиш бўғимларда функционал статуснинг яхшиланиши ва уларда анатомик дефектнинг пасайиши билан боғлиқлиги аниқланган [11]. Шунинг учун, БЯҚП эрта қўлланилиши муҳим ўрин тутади ва шу сабабли бу ACR/EULAR мезонлари билан мустаҳкамланган [13,14]. Адабиётдаги маълумотларга кўра [13,14], БЯҚП негизида ҳатто клиник ремиссияга эришилмаган ҳолда уни қўллаш иммуняллиғланиш даврнинг фаоллигини сусайишига имкон беради, чунончи «паст фаоллик» вазиятда ўрта ва юқори фаолликка нисбатан касалликнинг унча оғир бўлмаган функционал ва структур оқибатлари юзага келади [13,14]. Бироқ, РАга чалинган bemорларда БЯҚП билан даволашда ҳар доим қўйилган мақсадга эришилмайди ва бу давонинг кузатуви ва самараси назоратини талаб этади. Шу сабабли, давога ўзгаришлар киритилиши лозим бўлади. Шу ўринда З ойдан сўнг касалликда клиник яхшиланиш кузатилмаса ва 6 ойдан кейин клиник ремиссияга эришилмаса EULAR (2013) [13,14] БЯҚП миқдорини кўпайтириш, яъни метотрексатни ҳафтасига максимал 25–30 мг гача оширишни ёки базис терапиянинг комбинациясини тавсия қиласди. Шуниси маълумки [14,18], метотрексатнинг оптималь миқдори (25–30 мг/ҳафта) негизида узоқ натижа нуқтаи назардан бўғимларда анкилоз, контрактура ва деформация каби чукур анатомик дефекти ҳолатлари камаяди. Шу сабабли цитостатик таъсирга эга бўлган метотрексат РАни даволашда “олтин стандарт” ҳисобланиб, у “биринчи қатор” препарати саналади.

Адабиёт манбаларига биноан [14,18], метотрексат билан монотерапия ўтказиш 30–60% ҳолатларда самара беради ва шу сабабли уни глюкокортикоидлар (ГКС), бошқа БЯҚП ҳамда ГИБП [12,13,14] билан бирга қўллаш мақсадга мувофиқдир. EULAR (2013) тавсиясига кўра, метотрексатга қарши кўрсатмалар бўлганда ёки bemор уни қабул қила олмаса, “биринчи қатор” танлов препарати сифатида лефлуномид ёки сульфасалазинни қўллаш талаб қилинади. Бизнинг фикримизча,

метотрексатини (айниқса, биринчи 6 ҳафти мобайнида) ножүя таъсири туфайни «құбул қыла олмасын» күнинча уни фолат кислота билан бирга құлланылмасынғи билан бергік [14,18]. Чунки, Соғынде шархи мәйнумотларига күра [14,18], фолат кислотасын негизида күнгил айнашы, қусини, жигар ферментларының міндері құтарилиниң ва стоматит каби ножүя таъсирлар анығын камайады. Бирок, метотрексатин узоқ вақт құлланыши давомиді аксениңа һөнөөфөзет pylorі ривожланини мүмкін ёки периферик конда шакали элементларин кескін камайиниң құзатылады ва бу албатта қарниң күреңтма учун дәое бўлади [14,18]. Бундай вазиятда самарааси метотрексат билан бир хил бўлган “биринчи қатор” муқобил препаратларни құлланып ўринили бўлади [14,18].

Охирги вақтларда клиник амалиётда олтин препаратлари кам құлланылаётгандығы сабабли у ҳақида адабиётларда жуда кам гапирилмоқда. Бирок, РА беморларни олиб боришида гидроксихлорохин ва плаквенил аксениңа ўзларининг амалий ўринин йўқотмаган ва одатда, улар метотрексат билан бирга комбинирланган терапия сифатида құлланылады. Бу препаратлар айниқса ҳомиладорларда ўзларининг қулай плейотроп таъсири учун кенг ишлатылади.

Ўз навбатида, РАда ГКС құлланылиши мунозара чакирсада, EULAR уни паст микдорларда ($\leq 7,5$ мг/сут) БЯҚП билан бирга, айниқса, bridge-терапия [14,20] сифатида биринчи 6 ҳафта мобайнида ишлатылған тавсия этади. Бу эса, ГКСни мүмкін қадар клиник нүктаи назардан тезроқ бекор қылмоқни билдиради. Бирок, бу тавсия баъзи ревматолог-олимлар томонидан қувватланмаялти [14,20], чунки РПНТ негизида қилинган метаанализ иттижалари кўра [14,20], метотрексат билан ГКС комбинирланган даволашга нисбатан метотрексатни ЎНО-а ингибиторлари билан кўшиб ишлатылиш самарадорли ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, барчага матьлум бўлган гормонтобелик муаммоси bemорлар давоси нархини ошишига олиб келади [14,20]. Шу ўринда, қолаверса, уни құлланып юзага келадиган ножүя таъсирлар [14,20], уларни чеклаб қўйинши талаб қиласы. Биз шунга аминмизки, РАнинг эрта даврларида ГКС билан МТ бирга олиб борилган давонинг юқори самарадаси исботланамаган, чунонки, ГКС микдорини пасайтириш ва бекор қилиш стратегияси бўйича старли илмий асосланган далиллар мавжуд эмас. Шунингдек, клиник тажриба кўрсатадики, кўпинча ГКС [14,20] буюрилишига bemорлар салбий ёндешадилар, бу эса “врач-bemor” мулоқат самарасига ёмон таъсир кўрсатади. Шубҳасиз, биз РАнинг авжланиш даврида ГКСни құлланып ва уларни айниқса бўгим ичига юбориш самарадор бўлганилиги учун қувватлаймиз [12,14,20].

Бугунги кунда, юқорида таъкидлаганимиздек, РАда ГИБПни құлланып [14,20], яъни “таргет”ли даво, айниқса касалликда ёмон сифатли оқибатлар хавфи бўлганда (касалликниң тургин юқори фаоллиги ва бўғимларда эрозияланишини эрта ривожланишида) тавсия қилинади. Хар

ҳолда БЯҚП самара бермаса, EULAR (2013) тавсияларига кўра, улар буюрилиши лозим. Бироқ, ГИБП гуруҳига кирувчи препапартларни монотерапия сифатида қўлланилиши метотрексат монотерапияси олдида юқорироқ самара бериши ишботланмаган. Аксинча, метотрексат ЎНО-а ингибиторлари самарасини кучайтиради ва ушбу моноклонал антитаначалар тажаввус таъсирини пасайтиради [14,15,17]. Бошқа машибалар эса [14,15,18], аксинча ИЛ-6 рецепторларининг ингибитори – тоцилизумабни метотрексат монотерапияси олдида устунлигини кўрсатади. Бироқ, бизнинг фикримизча, бу тоцилизумабнинг тўлиқ етарли даражада устунлигини исботламайди, чунончи унинг самардорлиги метотрексатнинг фақат паст миқдордаги натижаларга нисбатан таҳлил қилинган. Бошқа томондан, метотрексатга резистентлик мавжуд бўлган ҳолда тоцилизумабни энг самарадорликка эга препарат сифатида тан олиш мумкин [14,15,17]. Шу билан бир қаторда, бошқа маълумотларга кўра, [15,17,18], ГИБПни метотрексат билан биргаликда ишлатилиши РАнинг кўплаб клиник белгилари ва функционал бузилишларини яхшилашда яққол самарадорлиги аниқланган. Ваҳоланки, ГИБП гуруҳига кирувчи препаратлар БЯҚПлар каби бўғимлардаги анатомик дефектни ривожланишини камайтиrsa ҳам [15,17,18], уларнинг клиник амалиётда ва амалий нуктаи назардан прогностик муҳимлиги исботланмаган. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, ушбу вазият биринчи навбатда касаллик фаоллиги ва клиник кўринишларига йўналтирилган “Мақсадга эришгунча даволаш” стратегик концепциянинг ўзгартириши учун аргумент бўлиб ҳисобланмайди. Хулоса қилиб айтганда, метотрексат билан ГИБПни биргаликдаги қўлланилиши самарадор деб тан олинади [17,18]. Бироқ, ГИБПни эрта буюриш мақсадга мувофиқ эмас ва у анча қимматга тушади [17-18].

Шунингдек, РАни даволаш муаммоларидан бири коморбид ҳолатларнинг мавжудлиги бўлиб, бу долзарб ҳисобланади [17,18]. Ваҳоланки, касалликнинг юқори фаоллилиги коморбид касалликлар кўпайиши хавфи билан боғлиқдир [17,18], самарали даво эса коморбидлик хавфини пасайтиради. Чунончи, агрессив даво беморларнинг ҳаёт давомийлиги ва сифатига [17,18] салбий таъсир этувчи оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Шу боис, коморбид касалликлари бўлган bemorlarни олиб боришида “Мақсадга эришгунча даволаш” стратегияси доирасида аниқ тавсиялар мавжуд эмас. Кўпгина базис препаратлар мажмуи мавжудлигига қарамасдан, ҳар доим РАга чалинган bemorlarни олиб боришида юқорида айтилган стратегик концепцияси доирасида мақсадга эришиб бўлмайди [17,18].

Ўзбекистонда кўп йиллар мобайнида ревматологик амалиётда ГИБП ларидан турли сабабларга кўра кенг фойдаланмай келинди. Ушбу сабаблардан бири ривожланиш хавфи мумкин бўлган инфекцион ва анафилактик асоратлардир. Охирги пайтлар ГИБП буюришдан аввал

ўтказиладиган махсус тайёргарлик туфайли асоратлар ривожланиш хавфи минимал даражага туширилган. Ҳозирги кунда ревматологик амалиётда бизнинг мамлакатда рўйхатдан ўтган ген-инжинер дори воситалари қўлланиб келинмоқда, булардан ритуксимаб, инфликсимаб, тоцилизумаб, адалимумаб ва х.к.лар.

Бугунги кунда COVID-19 пандемияси кўпчилик касалликлар, жумладан негизида аутоиммун жараён ётган касалликлар патогенизидаги тасавурларни ўзгаришига олиб келди. Жумладан, пандемия даврида мазкур вирусли инфекцияни ўтказган bemорларда витамин D етишмовчилиги аниқланиши ревматологик касалликларга чалинган bemорлар бўғим тузилмаларида ўзгаришларга, яъни ремоделланишига олиб келиш эҳтимолини оширади [10,16,19]. Маълумки, D витаминининг фаол шакли кўплаб физиологик жараёнларга плейотроп таъсири мавжуд. Қолаверса, у иммун тизими хужайраларининг дифференциалланиш жойларида, шунингдек мононуклеар хужайраларда, дендритик, антиген сакловчи ва фаоллаштирилган В хужайраларида, СД4+ Т хужайраларида ва нейтрофилларда ўз таъсирини кўрсатади [5,16,19]. Иммунитет хужайраларида витамин D фаоллашиши ген транскрипсиясида олиб келади ва антипсолифератив ва иммунорегуляцион жараёнлар каскадини бошлайди [4,5,10]. Витамин D танқислиги T хелперлар воситачилигидаги иммунитет реакциясининг кучайиши билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, РА ривожланишининг патогенезида D витамини ўрни ҳақида илмий ишлар пайдо бўлди. Шундай экан, пандемиядан кейин даврда Витамин D етишмовчилиги ва уни коррекциялашнинг бўғим тузилмалардаги ремоделланишига таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев Р.Б., Ражапова Ш. Влияние нестероидных противовоспалительных препаратов на пищеварительную систему/ Innovations in Technology and Science Education Vol. 1 No. 1 (2022). С. -5-6.
2. Насонов ЕЛ. Фармакотерапия ревматоидного артрита: российские и международные рекомендации. Научно-практическая ревматология. 2016;54(5):557-571.
3. Akhmedov K., Abdurakhmanova N., Buranova S. FEATURES OF THE CLINICAL COURSE OF RHEUMATOID SPICE AGAINST THE BACKGROUND OF THE INFLUENCE OF XENOBIOTICS //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2023. – Т. 12. – С. 142-147.
4. Cantorna, M.T. Vitamin D and autoimmunity: is vitamin D status an environmental factor affecting autoimmune disease prevalence? // Proc. Soc. Exp. Biol. Med. – 2000. – Vol. 223. – P. 230-233.
5. Cutolo, M. Vitamin D, immunity and lupus // M. Cutolo, K. Otsa // Lupus. – 2008. – Vol. 17. P. 6-10.

6. Induction of macrophage migration inhibitory factor in ConA-stimulated rheumatoid arthritis synovial fibroblasts through the P38 map kinasedependent signaling pathway // H.R. Kim, [et al.] // Korean. J. Intern. Med. – 2010. – Vol. 25. – P. 317–326.
7. Khalmurad A., Khaydarov F., Khudaybergenova N. Shifts immunological parameters in rheumatoid arthritis depending on the geographical and ecological zones of Uzbekistan //Austrian Journal of Technical and Natural Sciences. – 2015. – №. 5-6. – C. 68-72.
8. Kiran, G. Vitamin D and rheumatoid arthritis: is there a link? / G. Kiran, D. // Debachish Int. J. Rheum. Dis. – 2008. – Vol. 11. – P. 206-211.
9. Lipsky PE, van der Heijde DM, St Clair EW, Furst DE, Breedveld FC, Kalden JR, et al.; Anti-Tumor Necrosis Factor Trial in Rheumatoid Arthritis with Concomitant Therapy Study Group. Infliximab and methotrexate in the treatment of rheumatoid arthritis. Anti-tumor necrosis factor trial in rheumatoid arthritis with concomitant therapy study group. *N Engl J Med.* 2000; 343(22):1594-1602.
10. Rakhimova M. et al. Endothelin-1biomarker Features In Patients With Ankylosing Spondylitis After COVID-19 //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – C. 9369-9375.
11. Ramiro S. et al. Safety of synthetic and biological DMARDs: a systematic literature review informing the 2013 update of the EULAR recommendations for management of rheumatoid arthritis //Annals of the rheumatic diseases. – London, 2014. – C. 45-75.
12. Roux C. H. et al. Etanercept compared to intraarticular corticosteroid injection in rheumatoid arthritis: double-blind, randomized pilot study //The Journal of rheumatology. – Toronto, 2011. – T. 38. – №. 6. – P. 1009-1011
13. Smolen JS, Landewé RBM, Bijlsma JWJ, Burmester GR, Dougados M, Kerschbaumer A, et al. EULAR recommendations for the management of rheumatoid arthritis with synthetic and biological disease-modifying antirheumatic drugs: 2019 update. *Ann Rheum Dis.* 2020;79(6):685-699.
14. Sparks JA. Rheumatoid arthritis. *Ann Intern Med.* 2019;170(1): ITC1-ITC16.
15. Sachoels M. M. et al. Blocking the effects of interleukin-6 in rheumatoid arthritis and other inflammatory rheumatic diseases: systematic literature review and meta-analysis informing a consensus statement //Annals of the rheumatic diseases. – 2013. – T. 72. – №. 4. – C. 583-589.
16. Tetlow, L.C. The effects of 1 α ,25-dihydroxyvitamin D3 on matrix metalloproteinase and prostaglandin E2 production by cells of the rheumatoid lesion / L.C. Tetlow, D.E. Wooley. // *Arthritis Res.* – 1999. – Vol. 1. – P. 63-70.
17. Van der Velde G. et al. Cost-effectiveness of biologic response modifiers compared to disease-modifying antirheumatic drugs for rheumatoid arthritis: A systematic review //Arthritis care & research. – Atlanta, 2011. – T. 63. – №. 1. – P. 65-78.

18. Van Vollenhoven R. F. et al. Improvement in work place and household productivity for patients with early rheumatoid arthritis treated with adalimumab plus methotrexate: work outcomes and their correlations with clinical and radiographic measures from a randomized controlled trial – companion study //Arthritis care & research. – Atlanta, 2010. – Т. 62. – №. 2. – Р. 226-234.

19. Vitamin D receptorsin the rheumatoid lesion: expression by chondrocytes, macrophages, and synoviocytes / L.C. Tetlow [et al.] // Ann. Rheum. Dis. – 1999. – Vol. 58. – P. 118-121.

20. Wevers-de Boer K. et al. Remission induction therapy with methotrexate and prednisone in patients with early rheumatoid and undifferentiated arthritis (the IMPROVED study) //Annals of the rheumatic diseases. – London, 2012. – Т. 71. – №. 9. – Р. 1472-1477.

РЕЗЮМЕ

МЕТОДЫ СОВРЕМЕННОГО ЛЕЧЕНИИ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА

Ахмедов Холмурод Сайдуллаевич, Рузметова Инобат

Янгигаевна, Тураев Ихтиёр Абдуллаевич

Тошкентская медицинская академия

ps.sevara@gmail.com

Ключевые слова: болевой синдром, гастропротекторы, желудочно-кишечный тракт, язвенные поражения слизистой оболочки желудка, сустав. В данной статье отражены современные патогенетические аспекты и лечения ревматоидного артрита (РА). Последние два десятилетия научные исследования внесли существенный вклад в понимание патогенеза. Неконтролируемая активация иммунной системы на фоне хронического воспаления формирует деструктивные изменения в суставах, функциональные нарушения с развитием инвалидизации и системным осложнением патологического процесса. Ведущее место в лечение данного заболевания занимает цитостатики и генно-инженерные биологические препараты. Известно, что дефицит витамина D связан с усиленным Т-хелпер-опосредованным иммунным ответом. Поэтому представляется целесообразным изучить влияние дефицита витамина D и его коррекции на ремоделирование суставных структур в постпандемический период.

SUMMARY

METHODS OF MODERN TREATMENT OF RHEUMATOID ARTHRITIS

Akhmedov Kholmurod Sadullaevich, Ruzmetova Inobat Yangigaevna,

Turaev Ikhtiyor Abdullaevich

Tashkent Medical Academy

ps.sevara@gmail.com

This article reflects modern pathogenetic aspects and treatment of rheumatoid arthritis (RA). The last two decades of scientific research have made a significant contribution to the understanding of pathogenesis. Uncontrolled activation of the immune system against the background of chronic inflammation forms destructive changes in the joints, functional disorders with the development of disability and a systemic complication of the pathological process. The leading place in the treatment of this disease is occupied by cytostatics and genetically engineered biological preparations. Vitamin D deficiency is known to be associated with an enhanced T-helper-mediated immune response. Therefore, it seems appropriate to study the effect of vitamin D deficiency and its correction on the remodeling of articular structures in the post-pandemic period.

Key words: pain syndrome, gastroprotectors, gastrointestinal tract, ulcerative lesions of the gastric mucosa, joint.

УДК: 616.12-008.46-06:616.12-008.331.1- 616.5-004.1
ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ПАТОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ

**Ботирбеков Абдурашид Назарқұлович., Ахмедов Ҳалмурад
Садуллаевич., Абдурахманова Наргиза Мирза-Бахтиярхоновна.**

*Тошкент Тиббиёт Академияси.
abdurashidbotirbekov1@gmail.com*

Кириш. Тизимли склеродермия – бириктирувчи түқиманинг системали авж олиб борувчи иммун яллигланиши ҳамда тери ва тери ости қавати, ички аъзоларда фиброз-склеротик ва кенг тарқалған вазоспастик бузилишлар, яъни облитерацияли эндартериолит туридаги ўзгаришлари билан кечадиган касалликдир [10, 28, 29, 28]. Умуман склеродермия ҳақида тушунча илк бор Луситанус томондан 1634 йили баён қилинган бўлсада [4, 32], лекин «склеродермия» деб биринчи маротаба Гинтрак томонидан 1847 йилдан атала бошланган [32]. Хорижда «системали авжланувчи склероз» атамаси кенг тарқалгани билан [22] хозирги кунда «системали склеродермия» деб юритилиши кўпчилик томонидан қабул қилинган. Кўп йиллар давомида склеродермия фақат тери касаллиги сифатида қаралиб, асосий касаллик якунини ҳал қилувчи ички аъзолардаги ўзгаришлар шифокорлар эътиборидан четда қолган. Matsui 1924 йили [31] ўз навбатида бириктирувчи түқимадаги кенг тарқалған дегенаратив-склеротик жараённи артериолларда облитерацияли бузилишлар билан боғлиқлигини баён қилган. Француз неврологи Морис Рейно томонидан 1862 йили касалдаги кўрсатилған феномен ва бу кейинчалик «Рейно касаллиги» деб ном олган аслида системали склеродермияда 96% учрайдиган вазоспастик ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган аломат - «Рейно синдроми»ни ўзи билмаган ҳолда ифодалаган [30]. Дарҳақиқат, амалиёт ва кўплаб адабиётдаги маълумотларда [2, 12, 16, [30]. Дарҳақиқат, амалиёт ва кўплаб адабиётдаги маълумотларда [2, 12, 16,